

ПАРТИЯМИЗ ЧАҚИРИҚЛАРИ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА



КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 45 йиллиги байрам муносабати билан эълон қилинган Чақириқларини Тошкентдаги 1-тикувчилик фабрикаси чепарлари қизини кутиб қолди. Суратда: фабрика тарихи Уткир Мирпўлатов 5-сехта ишчиларига газетадан байрам олдидан Чақириқларни ўқиб бермоқда.

ОКТАБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИ

Партия бизни янги зафарларга, коммунизм янги ғалабаларига чорламоқда. Совет ишчиларининг ҳозирги авлоди коммунизм даврида яшайди. Коммунизм эса инсониятга Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодат бахш этувчи гўзал жамият! Улуғ Коммунистлар партияси халқимизни фаровонлик сари йўловчи ана шундай жамиятга етиш йўлидаги азу-орзуларини рўбга чиқармоқда.

Инсоният тарихида янги даврни — капитализмнинг емирилиши ва коммунизмнинг парор топиши даврини очган Улуғ Октябрь социалистик революцияси ҳақиқатдан ҳам эзгу-орзуларимизни рўбга чиқариш йўлини, коммунизм йўлини ёритиб берди. Улуғ Октябрь оқиб берган йўлдан бориб Ленин партияси раҳбарлигида социализмнинг узил-кесил ғалабасига эришдик. Энди партиямиз раҳнамоллигида коммунизм курилиши кенг авж олдирилган даврга қадам қўйдик.

Газеталарда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 45 йиллиги муносабати билан Коммунист партиясининг Марказий Комитетининг жаанговар Чақириқлари эълон қилинди. Бу Чақириқлар — тинчликка, оқошхонага, тўта яшашга, фаровон ҳаётга, қардошларча дўстликка, озода меҳнатга чорловчи чақириқлардир.

Коммунист партияси Октябрьнинг 45 йиллиги олдидан барча халқларга, партияларга қардошлик саломини йўлайди, бутун дунё пролетарларини, коммунист ва ишчи партияларини марксизм-ленинизм байроғи остига маҳкам жипс-лаштиришга, прелетар интернационализи байроғини баланд кўтариб олган боришга даъват этади.

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революцияси янги зафарли байроғи, бутун дунё меҳнаткашларининг қудратли ғолиб курали бўлган марксизм-ленинизм!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашсангиз!

Ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг жаанговар аянағарди — қардош коммунист ва ишчи партияларга оташин салом!

Октябрь Чақириқларида социализм кураётган қардош социалистик лагер мамлакатлари халқларига, мушаккил таракқиёт йўлидан бораётган, империализм муштамлақчилик системасига қарши курашаётган Осиё, Африка, Латин Америкаси мамлакатлари халқларига қизин салом йўланади. Тинчлик учун кураш, барча катта-кичик халқлар билан тотув, дўст бўлиб яшаш, тинч савдо ва маданий алоқаларни ривож-лантириш Совет Иттифоқи ташқи сибсатининг асосий ва бош йўлидир.

Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча тинчликсевар ташқи сибсати!

Коммунист партиямизнинг жаанговар, оташин Чақириқлари совет халқларининг қардош-лиқ оиласида коммунизм кура-ётган халқимизни янги-янги меҳнат зафарларига илҳомлан-тириб юборди. Улар жонажон партиямиз ва Совет ҳукумати-зининг коммунист мўл-қўл-чилигини вужудга келтиришга қаратилган улкан тадбирлари-

Н. С. Хрущев ҳузурида зиёфат

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущев ва Н. П. Хрущева Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси ўртоқ Лю Сю ва унинг рафиқаси шарафига уларнинг яқинда ўз ватанларига жўнаб кетишлари муносабати билан зиёфат берилди. Зиёфатда ўртоқ Лю Сю билан бирга Хитой Халқ Республикаси сининг СССРдаги элчихонаси маслаҳатчи-лари ўртоқ Чжан Дэ-цун, Чжан Мо-тан, Чжен То-бин рафиқалари билан, Чань Дун, шунингдек Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги элчихонаси ҳарбий атташеси генерал-майор Пань Чжэн-у рафиқаси билан ҳозир бўдилар.

Зиёфатда совет томонидан Ф. Р. Козлов рафиқаси билан, А. Н. Косигин, Д. С. Полянский рафиқаси билан, М. А. Сулов, Н. М. Шверник, В. В. Гришин, Л. Ф. Ильичев, Б. Н. Пономарев, А. Н. Шелепин ўртоқлар, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. В. Кузнецов рафиқаси билан, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари Ю. В. Андропов ва В. Н. Малин қатнашдилар.

Зиёфат дўстона, иссиқ, самимий вазиёфат бўлди. Ўртоқ Н. С. Хрущев ва ўртоқ Лю Сю қадаҳлар кўтариб бўзилмас қардош Совет Хитой дўстлигини бундан кейин ҳам ривожлантириш ва мушак-ламлашга умумий иштилоини аз-ҳор қилдилар.

Хитой ва Совет Иттифоқининг дўстлиги ва жипсчилиги

МОСКВА, 13 октябрь. (ТАСС). Хитой Халқ Республикасининг раҳбар аربоблари Мао Цзэ-дун, Лю Шао-ци, Чжу Дэ ва Чжоу Энь-лай ўртоқлар Н. С. Хрущев ва Л. И. Брежнев ўртоқларга юборган жавоб телеграммаларида Хитой Халқ Республикаси тузил-ганлигининг ўн уч йиллиги муно-сабати билан табриклашларини учун самимий миннатдорчилик из-ҳор қилдилар.

Хитой ва Совет Иттифоқи халқ-лари ўртасида қардошларча дўст-лик, дейилди телеграммада. Аб-дий ва бузилмасдир. Хитой халқи ҳар инқилаб мамлакат халқларининг дўстлиги ва жипсчилигини гоят қадрлайди. Бундан кейин ҳам Хитой халқи пролетар интернациона-лизми негизда 1957 йилги Моск-ва декларациясининг ва 1960 йил-ги Москва баёнотининг принциплари қаттиқ туриб ҳимоя қила-ди. Совет Иттифоқи ва бошқа қар-дош социалистик мамлакатлар билан дўстлик, ўзаро ёрдам ва ҳам-корлик муносабатларини ривож-лантиради.

Телеграммада қардош совет халқига коммунизм курилиши ишида ва бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилишда янги, буюк муваф-фақиятларга эришиш истаги из-ҳор этилади.



Ўртоқ А. МИРАХМЕДОВ, «Коммунизм» колхозининг раиси.

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 206 (2239) | 16 октябрь, сешанба, 1962 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Партия ва ҳукумат раҳбарлари метронинг Калужский радиусини бориб кўрдилар

МОСКВА, 13 октябрь. (ТАСС). Пойтахт аҳолиси Улуғ Октябрьнинг 45 йиллиги яхши соғва ол-дилар: метронинг Калужский ра-диуси кўриб битказилди.

Бутун Ф. Р. Козлов, А. Н. Ко-сигин, Д. С. Полянский, М. А. Сулов, Н. С. Хрущев, Н. М. Шверник, В. В. Гришин, Л. Ф. Ильичев, А. Н. Шелепин ўртоқ-лар ер ости магистралининг мана шу янги участкасини келиб кўр-дилар.

Партия ва ҳукумат раҳбарлари янги радиусдаги ҳамма бешта станцияни кўздан кечирдилар. Метрострой бошлиғи В. Д. Поле-жаев ва метрополитен бошлиғи А. Ф. Новохацкий изох бериб тур-дилар.

Метрополитен курувчилари ва ходимлари, шунингдек пассажир-лар партия ва ҳукумат раҳбарла-ри янги магистрални кўздан кечи-раётган вақтда уларни самимий табрикладилар.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЕЗУВЧИ С. П. БОРОДИНИ МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОР-ДЕНИ ВИБАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет адабиётини ривожланти-риш соҳасидаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтинчи йил тўлиши муносабати билан Езувчи Сергей Петрович Бородин Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан муко-фотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1962 йил 13 октябрь.



Ўртоқ У. ХАСАНОВ, тошкент бригада бошлиғи, механик-ҳайдовчи.

ПАХТАКОРЛАР, СИЗЛАР УЧУН

— Машинасозлик ва асбобсоз-лик ходимлари! Халқ ҳужайраси техника билан қайта қуроллантири-лиш учун эзр бериб курашингиз! Энг янги машиналар ва асбоблар ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаш-тирингиз!

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь байрамининг 45 йиллиги муносабати билан чиқар-ган Чақириқларидаги бу илҳом-бахш сўзлар заводимиз ишчилари ва инженер-техник ходимларини гоят руҳлантириб юборди. Кол-лективимиз пахтакорларга кўп ва сифатли машиналар етказиб бе-риш учун барча имкониятларни ишга солимоқда.

Яқинда заводимизда «УПХ-1.5Б» маркали янги кўрак чувиш машинасини ишлаб чиқаришга киришдик. Бу машина «УПХ-1.5А» маркали машинанинг янада тақомиллаштирилган формаси бў-либ, кўпгина афзалликларга эга. «УПХ-1.5А» да чувишган пахта қоп-қанорга тикилиб, сўнг маши-нага ортилар эди. Янги маркада-ги агрегатда эса чувишган пахта қоп-қанораси тўппа-тўғри автома-шинанинг ўзига ортиланади. Пахта териш бўйича давлат мах-сус конструкторлик бюроси ижод-корлари томонидан яратилган бу янги машина пахтакорларга маъ-қул бўлди, уни хурсандлик билан кутиб олишди.

Машинанинг бир қанча йирик қисмлари мақсадта мувофиқ қи-лб ўзгартирилган. «УПХ-1.5А»-нинг транспортери ўрнига цин-нинг шаклидаги труба, янги принципда ишлайдиган вентилятор ва транспортёрнинг энг юқори қисмига, яъни ердан 3 метр баландликда паншахасимон реше-тка ўрнатилган. Бу янги мослама чувишган пахтани беосита авто-машина ёки принципларга ортиш имконини беради. Ҳозир заводимизда шундай машиналар кўп-лаб ишлаб чиқаришмоқда.



Ўртоқ Т. ДУСАНОВ, тошкент бригада бошлиғи, механик-ҳайдовчи.

келди. Бригадани пахтакорла-ри районда энг биринчилар қа-торида йиллик планни шараф-билан адо этдилар. Мен бу ютуғимизнинг боиси янги би-ринчи навбатда машинанинг ҳосияти туфайли, деб била-ман. Ҳа, машинада тап кўп экан. Илгари унинг қадрига учалик етмас эканмиз. Бу йил эса ишни бутунлай бошқа-ча ташкил этдик. Ёўза парва-риши давомида қатор оралари-ни механизмлар билан ишлаш, ёўзаларни агрегатлар ёрдамида тўйдириб озиқлантиришга ало-ҳида эътибор билан қарадик.

22 гектар майдонни машина теримига ажратиб, ёўзаларни машинабон қилиб ўстирдик.

Пинг-терим мавсуми бош-ланганда кўл теримини наму-нали ташкил этиш билан бир қаторда машина теримини ҳам муваффақиятли ўтказиш тўғ-рисида қайғурабшладик. Ҳам-ма ҳозирликлар ўз вақтида кў-риб қўйилганлиги туфайли ме-ханик-ҳайдовчимиз ўртоқ Ис-момил Муртазоев бошқараётган ХВС-1.2 машинаси юқори унум-билан ишлайбшладик. Шу ма-шина туфайли ҳар кунги хирмо-нимизга 4—5 тоннадан пахта қўшилди. Шу пайтга қадар ўр-тоқ Муртазоев 22 гектар майд-ондаги ҳосилини териб берди.

Илгор теримчиларимизда ян-Х. Маҳмудова, Б. Отахўжаева, Э. Жаборовва ўртоқларнинг ҳар бири 150—200 килограмм-га етказиб «оқ олтин» терап-ти. Қисқаси бригаданимиз аъзо-ларининг гайрат-шиқоватлари орқасида 60 гектар ерининг ҳар гектаридан ҳозирга қадар 22,5 центнердан ҳосил кўтарилди. Ҳали даладаримизда пахта кўп. Бригаданимиз аъзолари Улуғ Ок-тябрь байрамини ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта олишга эришилш билан кутиб олиш учун гайратга-гайрат қўшмоқдалар.

Кечагина эълон қилинган Чақириқларда «Меҳанизация-ни, фан муваффақиятларини ва илгорлар тақрибасини яна-да дадилроқ жорий қилингиз!» Меҳанизмларни бошқаришни эзр бериб ўрганингиз, техника-ни эҳтиёт қилингиз ва ундай яхши фойдаланингиз!» деган жўмалар бор. Биз бундан ке-йин ана шунга яна ҳам катта эътибор билан қараймиз ва да-ла ишларини комплекс меха-низациялашга эришамиз.

Х. ЭШОНОВ, Бўка районидagi «Октябрь» колхозининг бригадари.

ОКТАБРГА СОВҒАМИЗ

Мўл ҳосилни йиғиб-териб олишга пухта тайёргарлик билан ки-ришдик. Бригадалар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа кучайти-рилди. Азамат меҳаник-ҳайдовчиларимиз ва кўпимизкилорамиз теримчиларимиз зиммаларига конкрет мажбурият олган ҳолда ишга киришдилар. Хирмониимиз кундан-кунга юксалаборди. Шундай қи-либ, биз Улуғ Октябрь революциясининг 45 йиллиги шарафига му-носиб соғва тайёрладик. Колхозимизда давлатга пахта сотиш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди. Мамлакатга 1646 тонна «оқ олтин» етказиб бердик.

Пинг-терим даврида ҳамма бригадаларда ҳам иш бир текис ва бир меърада бормоқда, десак янглишмаймиз. Айрим бригадалар маррага биринчилар қатори етдилар. Ўртоқ Т. Дўсанов бошлиқ тош-кент бригада 44 гектар ерининг ҳар гектаридан 30 центнердан ош-тириб пахта топишди. Ҳозир бу бригада аъзолари ҳосилдорлиқни 35 центнерданга етказиш учун курашмоқдалар. Шунингдек ўртоқ Ма-жид Калиев бошлиқ бригада аъзолари ҳам планини ортиғи билан ба-жардилар. Бу бригада эндиликда 40 центнер учун курашмоқда.

Меҳаник-ҳайдовчиларимиз ҳам гайрат қилимоқдалар. Уларнинг иши икки сменада ташкил этилган. Даладарини машина теримига тайёрлаш, ёўза баргини тўкиш ишлари гоят ушшоқлик билан ўтказилганлиги туфайли агрегатлар бир меърада пахта термоқда. Ме-ханик-ҳайдовчи Абдумалик Охунжонов ХВС-1.2 машинасида 150 тон-на пахта теришга сўз берган эди. У кунига 50 бункеридан 4—5 тон-надан пахта тўқди. Охунжоновнинг шу кунга қадар терган пахтаси 80 тоннадан ошиб кетди. Бундай меҳаник-ҳайдовчилар сафи ке-нгийиб бормоқда.

План бажарилиб, дастлабки марра қўлга киритилган ҳозирги кунда кўпимизкилорамиз теримчиларимизга ҳар қанча раҳмат айт-сак арзийди. Ҳафиза Бойдуллаева мавсумда 15 тонна пахта териш-га сўз берган. У баъз кунлари 350 килограммга етказиб пахта термоқда. Рашида Бошқирова ҳам колхозимизнинг энг пешқадам теримчиси. Коммунист Қодирбек Валиевнинг мақсади мавсум даво-мида 10 тонна «оқ олтин» териб топишнинг иборат. У бу мажбу-риятни бажарай деб қолди. 7 тонна пахта териб топишди. Колхоз

правлениси ва партия ташкило-ти меҳнат унумдорлигини ошириш-га қаратилган қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Социалистик мусобақа натижалари ўз вақтида якун қилинади. Мусобақада ғолиб чиққан меҳаник-ҳайдовчилар ва теримчиларга мукофотлар берил-моқда. Бу тадбир сўрагата-сўрат қўшилишига ёрдам бермоқда.

Плани бажарган, бўлса ҳам ҳали ҳосилнинг тағи мўл. КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ОКТАБРОЛДИ ЧАҚИРИҚЛАРИ-ДАН РУҲЛАНГАН КОЛХОЗЧИ-ЛАРИМИЗ ЯНА 600 ТОННАГА ЯҚИН ПАХТА ТОПИШИШ МАЖБУРИЯТИНИ ОЛДИЛАР. ЕТИШТИРИЛГАН ҲОСИЛНИНГ БИР ГРАММИНИ ҲАМ НОБУД ҚИЛМАН ТЕРИБ ОЛАМИЗ ВА МАЖБУРИЯТИМИЗНИ АЛБАТ-ТА БАЖАРАМИЗ.

А. МИРАХМЕДОВ, Чиноз районидagi «Комму-низм» колхозининг раиси.

У. ХАСАНОВ, колхоз партия ташкилотининг секретари.

ман, дейди мохир слесарь. У
пресслар учун штамплар тайёр-
процентдан адо этмоқда. Ушбу
ҳолда кўриб турибсиз.

БИР ЧИГИТНИ ҚОЛДИРМАЙ ТЕЗДА ТЕРИБ ОЛАЙЛИК

ПРОПАГАНДИСТЛАР ВА ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ЭКОНОМИКАСИНИ ЎРГАНИШ
ТУГАРАКЛАРИ ТИНГЛОВЧИЛАРИГА ЕРДАМ

Хўжаликни бошқаришни ўрганинг

КПСС XXII съезди қабул қилган янги Программа коммунист жамияти қуришнинг инсоният тарихида биринчи, конкрет, илмий пландир. Партиямиз съездеда таъкидланганидек, бизда икки ўн йиллик давомда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиб учун барча имкониятлар бор. Аммо бу ўз-ўзидан бўлмайди, буни эришмоқ учун бугун ва эртага нима қилиш кераклигини аниқ тасоввур этмоқ лозим.

Авалло қайси марраларни забт этганимиз зарурлиги ҳақида ўйламоқ, эртага нима қилиш кераклиги туғрисида қайтармоқ, олга боришимизда бизга ҳаёқат берадиган камчиликлар билан қатъий курашмоқ — мана бизнинг олдимизда турган вазифалар. Ҳармай-томай меҳнат қилиш, ишлаб чиқариш резервларидан тўғри, билиб фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш, илгор метод ва тажрибаларни кенг жорий қилиш, ишлаб чиқаришни таъминлаштириш, асбоб-ускуналардан рационал фойдаланиш — бизнинг амалга оширадиган энг зарур тадбирларимиздир. Бунинг учун эса ҳар бир ишчи ва колхозчи ўз хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари билан яхши таниш бўлмоғи, хўжаликни бошқаришни ўрганиши лозим.

Владимир Ильич Ленин Улуғ Октябр революциясининг галабасидан кейинқоқ маблаглар ҳисоб-китобини аниқ ва виждонан олиб боришни, тежаб-тегараб, сарфлашни, меҳнат иттиозига қатъий риоя қилишни уқитган эди. Шунинг билан бир қаторда аяканам-якка эмас, балки барча меҳнаткаш омма иштирокида олс маблаг сарфлаб, кўп маҳсулот етиштиришни, меҳнат унумдорлигини ошириш учун онгли равишда курашмоқ кераклигини таъкидлаган эди. Бунинг учун эса хўжаликни бошқаришни пухта ўрганишимиз лозим.

Хўжаликни бошқаришни ўрганиш учун ҳар бир бригадалдаги, колхоздаги ёки совхоздаги хўжалик масалаларини муваффақиятли ҳал қилмоқ учун иқтисодий билимга эга бўлмоқ, қишлоқ хўжалиги экономикаси асосларини яхши билимоқ зарур.

Иқтисод — бу турли хил хўжалик алоқаларининг муносабати; у ишлаб чиқариш планларини тўғри тузиш ва ишчи кучларидан фойдаланишга сафарбар этишни ўз ичига олади. Иқтисод — бу хўжаликни моддий ва техник жиҳатдан таъминлаш, маҳсулотларни реализация қилиш, машина-трактор паркидан тўғри фойдаланишни уюштириш, колхоз маҳсулотини тақсимлаш, хўжаликни бошқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини таъкид этиш ва бошқалардан иборатдир. Ниҳоят иқтисод — колхоз ва совхоз коллективларининг давлат планларини ошириб бажаришга қаратилган жонли, практик бир мақсадни кўлаовчи фаолиятдир.

Маҳсулот колхозга ёки совхозга асролга тушади, ёхуд қий-матга? Бунни билмасдан туриб маҳсулот етиштириб бўлмайди. Шунинг учун амалга ошириладиган ҳар бир ташкилий-техника тадбирга унинг етказиладиган фойдаси нуктаи назардан ёндошмоқ керак.

Ана шунда хўжалик фаолияти

Пропандистлар ва қишлоқ хўжалиги экономикасини ўрганиш тўғрисида тингловчиларга таъкидланган кўрсатилма мақсадида «Тошкент ҳақиқати» газетасининг редакцияси об-ласт сийсий маорифи уйи ша-ҳар партия комитети билан биргаликда бундан сўнг «Соци-алистик қишлоқ хўжалиги эконо-микаси» деган программда материаллар бера боради.

ҳақида аниқ тасоввур ҳосил қили-нади. Хўжалик фаолиятининг асосий томонлари қуйидагилар-ди:

- а) ялпи ва товар маҳсулотни ҳажми, уларни қўлайтириш учун кураш;
- б) меҳнат унумдорлигини оши-риш;
- в) маҳсулот таннархи ва хўжа-лики рентабеллаштириш;
- г) ишлаб чиқаришнинг асосий маблагларидан рационал фойдала-ниш.

Булардан ташқари экин майдон-ларининг структураси, экинлар-нинг ҳосилдорлиги, чорва молла-рининг сони ва маҳсулдорлиги, ем-хашак базаси ва уни сарфлаш нормалари қабилар ҳам жуда му-ҳим масалалардан ҳисобланади.

Маҳсулот миқдори, ҳар бир центнер пахта, дов, гўшт, сут учун сарфланадиган иш вақтининг гегаиш энг аввало колхозчи ва сов-хоз ишчисининг ўзига боғлиқдир. Маҳсулот қанчалик кўп бўлса, комплекс механизация ва техника қанчалик кенг қўлланилса, ерни ишлаш ва чорвачилик маданияти қанчалик юқори бўлса таннарх шунчалик паст бўлади. Яъни маҳ-сулот арзонга тушади.

Башарти мамлакатимиз нинг барча колхозлари маҳсулот тан-нархини бир процент камайтирсал-ди, 200 миллион сўм иқтисод қи-линади. Иқтисод чорвачиликда 85 миллион сўмни, зироатчиликда 84 миллион сўмни ва бошқа соҳалар-да 31 миллион сўмни ташкил эта-ди. Мамлакатимиз колхозлари до-нинг таннархини бир процент ка-майтирсалар, 27 миллион сўм те-жаллади. Бунга 7240 та «СМ-3» комбайни ёки 11900 «ДТ-54А» трактори сотиб олиш мумкин.

Сермеҳнат иш процессларини механизациялаш меҳнат унумдор-лигини оширишда катта роль ўй-найди. Масалан, бир килограмм сут етиштириш учун молларни қўлда соғилганда 93 секунд вақт кетсади, «Арча» усулида аппарат билан соғилганда эса 24 секунд, яъни тўрт баравар кам вақт сарф-ланади.

Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда республикамиз ўзининг пахтаси билан катта ҳис-са қўшади. Улуғвор етти йиллик Охирида Ўзбекистон мамлакатга 4000000 тонна пахта етказиб бе-риши керак.

Бизда пахтанинг таннархи ҳа-ли ҳам баланд. Жавод Кўчиев, Валентин Топко каби пахтакорлар пахта таннархини камайтиришда катта ишлар қилмоқдалар. Валентин Топко 1961 йилда бир цент-нер пахта етиштириш учун 7,5 соат меҳнат сарфлади. Бу рес-публика бўйича сарфлангандан 7 баравар камдир. Унинг бригадаси бир центнер пахта 6 сўм 78 тийинга тушди.

Исрофгарчилик давлатга катта

зарар келтиради. Пахтанинг бир грамми унчалик катта миқдор эмас. Лекин граммлардан кило-граммлар, килограммлардан тон-налар бунёдга келади. Ерда бир килограмм пахта қолди деган сўз — беш метр озиқ таълама, 110 грамм мой, 260 грамм қушқара, 45 тагит ип, 360 грамм аптека пахтаси ва бошқалар қолди де-ган сўз. Ҳар тўлға биттадан ча-ноқ қолди деганимиз бир гектар ерда 4,5 центнер «оқ олтин» қол-ди деганимиз! Шунинг учун хўжа-ликини севган, унга меҳр қўйган ҳар бир киши исрофгарчиликка қарши қатъий курашиши лозим.

Маҳсулотни қўлаб тежа ш учун кураш меҳнат унумдорлиги-ни ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш учун курашувчи бў-лиш фақатгина иқтисодий аҳами-ятга эга бўлмай, сийсий аҳамиятга ҳам эгадир. Коммунизм курувчи-сининг ахлоқ кодексиди ҳам маз-кур принциплар қайд қилинган.

Ҳақиқий хўжалик бошқарувчи-си бўлиш хўжаликка янгича, ком-мунистчасига муносабатда бўлиш демакдир. Турсуной Охунова, Ва-лентин Топко, Мелиқўзи Умурзо-қов, Любовь Ли, Роза Отабоева қабилардек ишлаб демакдир.

Совет кишиси жамиятимизда барча бойликларнинг хўжайини ва эгаси. Шунинг учун у ҳамма иш-га давлат нуктаи-назаридан қар-моғи керак. КПСС XXII съезди тарихий қарорлари амалга ошири-лаётган ҳозирги кунларда комму-низмнинг моддий-техника базаси вузудга келтирилатган мана шу дақиқаларда ташкилотчиликнинг бўшашуви, брак маҳсулот етиш-тиришга, ўз шеригидан кетди қо-лувчиларга, қишлоқ хўжалиги ма-шиналарининг бекор туришига, камчиликларга бефарқ қарашга ҳеч бир йўл қўйиб бўлмайди.

Яқинда украинлик галлакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Г. Загладин «Галлакорлик шарафини қадрлаш» деган мақо-ласи колхоз ва совхозларимизда меҳнат муҳофиза қилиниб, Бу акю-бил онанинг қабл сўзлари Ўзбек-истон меҳнатқашларининг дилла-рида мунособ ўрин топи. Умумий ишга жон қўйиш, меҳнатга ҳалол ва виждонан муносабатда бўлиш, социалистик бойлигимизни тобора қўлайтирабериш — ҳар бир меҳнатқашнинг шарафли бур-чидир. Совет кишиларнинг кол-лектив меҳнати — мамлакатимиз-да порлоқ коммунизмни албатта бунёдга келтиради.

ДАБИЕТЛАР

В. И. Ленин — Совет ҳокимия-тининг навабдаги вазифалари, Асарлар, 27 том.

В. И. Ленин — Бузук почин. Асарлар, 29 том.

Совет Иттифоқи Коммунистк партияси Программаси (2-қисм).

Н. С. Хрушчев — Совет Итти-фоқи Коммунистк партияси Про-граммаси ҳақида. КПСС XXII съездида қилинган доклад. (3-қисм).

Н. С. Хрушчев — 1959-1965 йилларда СССР халқ хўжалиги-ни ривожлантириш контроль ра-ҳамлари ҳақида. КПСС навабдан ташқари XXII съездида қилинган доклад. Госполитиздат, 1956 йил.

ЎҚУВ ҲУЗОЛИ

«Қишлоқ хўжалиги экономика-си» (Дарслик) Госполитиздат, 1962 йил.

ПАХТАКОР УРТОҚЛАР! Ҳозирги дамларнинг ҳар миноти, ҳар соати олтинга тенг. Эндиликда бундан буён об-ҳавога ишониб бўлмайди. ЎЗИНГИЗДАН ҚОЛАР ГАП ЙЎҚ, БИР КҮН ЕМГИР ЕҒИБ, ҳавога булут кўтарилгани учун ПРОЦЕНТИМИЗ КЕСКИН ПАСАЙИБ КЕТДИ.

Мана энди ҳаво ҳам жўнашиб кетмоқда. Ишнинг қўзини билган ва ТЕРИМНИ НАМУНАЛИ ТАШКИЛ ЭТАЕТГАН районлар яна илгарийдек суръатга суръат қўшмоқдалар. Утган кун ОҖЖОНИКИДЗЕ, ЧИНОЗ, ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОНЛАРИДА 2 ПРОЦЕНТДАН ОРТИҚ ПАХТА ТАЙЕРЛАНДИ.

Лекин, баъзи районлар бўлиб ўтган ёғингарчиликдан сўнг ҳали ҳам ўзларини ўнглаб ололмади-лар. ОҚҚҮРҒОН РАЙОНИ, УРТОҚ ҚАРИМОВ, ўтган кун 1,05 процент, ЯНГИЕР РАЙОНИ, УР-ТОҚ АБДУШОҲИДОВ, 1,17 процент пахта тайёрлади. БЕКОБОД, БУКА РАЙОНЛАРИДА ҲАМ СҮРЪАТ ПАСАЙИБ КЕТДИ. ГУЛИСТОН РАЙОНИ БЎЛСА ҲАМОН ОҚСАБ КЕЛМОҚДА.

РЕСПУБЛИКА КҲЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҒИ ЯНА БИЗНИНГ ҚЎЛИМИЗДА. БАЙРОҚНИ ҚЎЛДАН БЕР-МАСЛИК УЧҲН СУСТКАШЛИККА БАҲҲАМ БЕРАЙЛИК. Бутун куч ва имкониятларни сафарбар этиб, терим машиналарини тўла ишга тушириб, кунига 2,5—3 процентдан ошириб пахта тайёрлашга эришайлик. «Оқ олтин»-имизнинг бир грамми ҳам нобуд бўлмасин!



Фотомухбиримиз В. Салов сурапта олган мана бу навқирон меҳанизаторни эҳтимол кўпчили-к танимаса керак. У «Пискент» совхоз 4-бўлимининг моҳир меҳаник-ҳайдовчиси уртоқ Ўлжабой Қодировдир. Ўлжабой бу йил ўз машинаси билан камиди 100 тонна «оқ олтин» териб бермоқ-чи. Ҳозир у кунига 4—5 тоннага етказиб пахта тераяпти.

Биз нобудгарчиликка қарши қандай курашаётимиз

Пахтакорлик жуда шарафли касб. Шунинг учун ҳам унинг олийжаноб меҳнатига ҳамма қойил қолади. Дарҳақиқат, пахта етиштириш, ҳалол меҳнат билан йилгига мўл-кўл «оқ олтин» ундириш анча мураккаб иш.

Шу кунларда даладаримизда етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш учун қизгин кураш давом этмоқда. Пахтакорнинг ҳозирги муҳим вазифаларидан бири пахтанинг бирор граммин ҳам нес-нобуд қил-май, давлатга топширишдан иборат. Чунки нонинг увори ҳам нон, пахтанинг бир миқоли ҳам пахта. Унинг ҳар бир толасига қабл меҳримиз синган, пешона тер тўқнашимиз.

Қўлақда 718 гектар ерга яхши ният билан чигит ташлади. Деҳқонларимиз баҳордан бери гектаридан 40 центнердан пахта олаш деб меҳнат қилишяпти. Даладаримизда ҳосил мўл, мажбурийат бемалол бажарилади. Ҳамма гап ҳосилнинг сўнги граммигага териб олишда қолган.

Ҳар йилгилек бу йил ҳам колхозимизда нобудгар-чиликка қарши курашиш терим мавсумининг дастла-ки кунлариданоқ бошланган. Правление мажлисида но-будгарчиликка қарши кураш олиб бориш тадбирлари белгиланди. Терилган пахтанинг хирмонда туриб қо-маслиги, тайерлов пунктига тезроқ етказиш, теримда сортларнинг бузилмаслигини таъминлаш чоралари қў-рилади.

Колхозимизда уруғлик пахта етиштирилмоқда. Шу-нинг учун ҳам бизнинг зимманимизга пахтанинг юқори сорт билан терилишини таъминлашдек катта вазифа юклатилди. Маълумки нобудгарчиликнинг энг ёмони пахтани хом териб ҳисобланади. Хом пахта териб — жиноят! Бу қонда ҳар бир теримчига етказилди. Бу соҳада агитаторларимиз дурустгина иш қилишяпти. Улар теримчилар ўртасида пахтани хом терилишнинг иқтисодий зарарли тўғрисида тез-тез суҳбатлар ўт-казиб турибдилар.

Биз нобудгарчиликни олдини олиш мақсадида терим-чиларнинг масъулиятини оширганмиз. Шу мақсадда

теримчиларга қаторлар ёки пайкал участкалари аж-ратиб берилган. Бригада бошлиқлари зиммасига те-римчилардан қабул қилинадиган пахтани ахшилоб текшириб олиш вазифаси юклатилган.

Ҳар ўн кунда бригадаларга кўча Қизил байроқ беришда ҳам илгор теримчиларни мукофотлашда ҳам пахтанинг сифатли терилиши, нобудгарчиликка йўл қўймаслиги, албатта ҳисобга олинади. Агар бригада ўн кунликда юқори ўсшига эришса-ю, пунктдан пахтаси қайтариб юборилган бўлса, унга байроқ бе-рилмайди.

Мана шундай тадбирлар амалга оширилатганлиги туфайли пахтани хом терилишга йўл қўйилмапти.

Томчилар йиғилиб дарб ҳосил қилганидек, грамм-лардан тонналар пайдо бўлишини жуда ахши биламиз. Шунинг учун ҳам барча бригадаларимизда йўлларда, уватларда, хирмонлар атрофида тўкилган пахталарни териб олиш намуналар йўлга қўйилган. Тўкилган пах-таларни солиш учун марказий кўча атрофига 18 та яшик ўрнатилган. Улар қизил алвон билан ўраллиб, «Тўкилган пахтани териб ол!» «Нобуд қилма», «Тўк-ма!» деган сўзлар ёзилган.

Уватларда, йўлларда тўкилган пахталарни териб олиш учун 20 киши ажратилган. Улар ўзларига би-риктирилган участкаларни кунига 2—3 бор айланиб чиқишди. Охун Одилов, Рихсод Отақашиев, Мўмин-хўжа Бузууров, Хажар Нўкаева, Николай Семёнов, Шо-қир Серикбоев уртоқлар ўз бурчаларини виждонан ба-жариб бошқаларга намуна бўлаётдилар. Нобудгарчи-ликка қарши курашда колхозчиларимизга 15-макта-бининг пионер ва ўқувчилари ҳам ақидан ердан бер-моқдалар.

Ҳали даладаримизда ҳосил мўл. Кунига 2,5 — 3 процент миқдориди пахта топшираямиз. Барча имко-ниятларини ишга солиб, ҳосилнинг бирор миқолини ҳам нес-нобуд қилмай, териб оламиз.

Ю. ЁҚУББЕКОВ, Ангийўл, «Партия XIX съезди» колхозининг аг-рономи.

Отахонлар ташаббуси

Киров районидидаги 1-Кисловодск маҳалласида яшовчи 30 дан ор-тиқ пенсионер отахонлар ажойиб ташаббус бошлашди. Улар ўз их-тиёрлари билан Ўрта Чирчиқ рай-онидида «Северный маяк» колхо-зига чиқиб пахта йиғим-теримда колхозчиларга ақидан ердан бе-раятдилар. Қишлоқ меҳнатқашла-ри шаҳарлик пенсионерларнинг бу ажойиб ташаббусидан гоят мин-натдор бўлмоқдалар.

Отахонлар колхозда икки груп-пага бўлиниб пахта терияпти. Уларнинг бир группасига пенсio-нер Обид ака Солихов бошчилик қилмоқда.

Пенсионерлар 6 кун ичида 3 тоннадан ортиқ пахта тердилар. Айниқса Туроб ота Икромов, Хо-жибек ота Абдурахмонов сингари уртоқлар бошқа кексаларга ўрнат қўрсатиб ишламоқдалар. Уларнинг ҳар бири кунига 35 — 40 ки-лограммдан пахта термоқдалар.

Н. ЗУФАРОВ.

ТОШКЕНТ ПАХТАКОРЛАРИГА

Пахта бизнинг шонимиздир, пахта бизнинг ифтихор. Пахтадан кўксига ордан тақдир шонли пахтакор. Пахтадан шавкатли деҳқон тоғли улкан эътибор. Пахтадан элга ҳаловат, ур Ватанга ифтидор. Пахтани тезроқ теринг, келди Улуғ байрам яқин, Юрта сиз рапорт беринг, келди Улуғ байрам яқин!

Очилиб қийғос порлоқ бахтиниз дурдонаси, Лўш-лўш пахта бўлиши ҳар гулу ҳар шонаси, Тергал дурдонани бел боғлаган мардонаси, Чунки «олтин куз»ни дерлар: ахши ишлаш хонаси. Пахтани тезроқ теринг, келди Улуғ байрам яқин, Юрта сиз рапорт беринг, келди Улуғ байрам яқин!

Яхши ишлаш — катта хурмат, бахту шуҳрат ортдираб, Шону шуҳратларга тўлғай кимчи кўп пахта терар. Ўторак «ангори кема» янги шуҳрат келтирар, Пахтакорнинг меҳнатига ҳусну оройин бераб. Пахтани тезроқ теринг, келди Улуғ байрам яқин, Юрта сиз рапорт беринг, келди Улуғ байрам яқин!

Белда этак, қўлда руля, ишлаш керак мардонавор, Ҳосилимиз чунки далада ҳали айтганча бор. Ойга «кўз-қўш» айланиш хирмонингиза бегубор, Вадангиз икросини ёзмоқда Васфий иттизор, Пахтани тезроқ теринг, келди Улуғ байрам яқин, Юрта сиз рапорт беринг, келди Улуғ байрам яқин!

М. ВАСФИЙ.

ҚЎЛ УЧИДА ПАХТА ТЕРДИЛАР

Раис И. А. Ким хурсанд бўлиб бош бухгалтерни қақирди.

— Колхоз кассасидан 3 минг сўм пул ажратиб автобаза ҳисобига ў-казинг, — деди у.

— Нима гап, тинчликми ўзи, — хайрон бўлиб сўради бош бухгал-тер.

— Ишимиз ўнгилан келиб қол-ди, — деди раис. — Бизга пахта те-римиди ердан бериш учун Тошкент-нинг Октябр районидан ўқитувчи-лар келишмоқчи, 550 киши. Агар ҳар бир киши ўртача 40 килограмм-дан пахта териб берса, 22 тонна бўлади.

Бухгалтер раиснинг айтганлари-ни бажо келтирди. Ҳақиқатан ҳам 30 сентябрь — яқинлаб кун иқ-тувчилар колхозга келиб пахта терди. Афсус улар ишонччи оқлаш-мади. Эрталаб соат 9 дан то кеч-ча ишлашиб атиги 2688 килограмм пахта теришди.

— Хайр, майли, — деди раис, — уларнинг кўплари биринчи марта пахта теришган бўлса керак. Ке-йинги дам олиш кун иқтисодини чи-қаришда.

Кейинги дам олиш кун — 7 ок-тябрда ердига келган ўқитувчи хашарчиларнинг сони 546 га ет-ган эди. Мия афсуски, бу тал ҳам улар қўл учиди пахта теришди. Уларнинг кун бўйи терган пахта-си 6944 килограммга етди. Шундай қилиб икки дам олиш кунда кол-хозга келган 798 азамат 9532 ки-лограмм пахта терибди. Бу ҳар бир кишига тақсимлаганда 11 кило-граммдан тўғри келади. Ана сизга тушунган, онгли кишиларнинг кол-хозга берган ердими! Эссиз вақт, беҳуда кетди. Икки ўртада колхоз-нинг қанчадан-қанча майбани беҳу-дага сарфланди. Эшовидан тушови қиммат бўлди.

Биз ҳар бир киши ўртача 11 кило-граммдан пахта терди, деб айтдик. Бу ҳам майли, айфим ўқитувчилар кун бўйи «зат орабди» 2—3 ки-лограммдан пахта теришган. Ок-тябр район маориф бўлимининг раҳбарлари бунга нима дейсизлар? Эҳтимол ўқитувчилар бундан кейин ҳам Ўрта Чирчиқ районидида «XXII партсъезд» колхозига ердан учун далага чиқар. Ана ўшанда улар қанчадан пахта теришарки?

М. ИБРОХИМОВ.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ПИСКЕНТ. Охунбобоев номли колхоз даладариди пахта териб агрегатлари шиддат билан ишла-япти. Моҳир меҳаник-ҳайдовчилар мавжуд 10 та агрегатнинг умумий ишлаши учун бор куч-гайратларни сира аямалтирилди. Меҳанизатор уртоқ Қаримали Мақомовнинг бу йилги ҳиммати катта — у хир-монга 150 тонна пахта тўқмоқчи. Ҳозир кунига 3,5-4 тоннадан пахта термоқда. Унинг касбдошлари-дан Гулсера Олмишова ва Раъно Тулаганова уртоқлар ҳам ундан қўлишмаётдилар.


Х. ҲАЙДАРОВ.

ЯНГИЕР. 1. «Боев» совхозини 8-бўлимидаги ўртоқ У. Ҳаз-ратқулов бошлик қомсомол-ешлар бригадаси аъзолари бу йил 109 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камиди 30 центнердан «оқ олтин» кўтариш учун курашмоқдалар. Ҳозир бригада даладариди пахта териб агрегатлари, тинимсиз иш-лаб турибди. Бу ерда қўл терими машина терими билан боғлаб олиб боришмоқда. Пешадалардан А. Абдуллатипов, И. Раҳмонов, Б. Юманов ўртоқларнинг бир кунда терган пахталари 150-180 кило-граммлик тошчи босмоқда. Брига-да яқин кунлар ичида йиллик планни шараф билан бажариди.

Б. АЗИЗОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

3-БЕТ, 16 ОКТЯБРЬ, 1962 ЙИЛ.



Суратларда: 1. Спортчилар 20 километрга юриш мусобақасини бошлади. 2. Жаҳон рекордчи Эдвин Озолинга найза отмоқда.



Мана, Совет енгил атлетикасининг шон-шарафини жаҳонга таратган спортчилар (чапдан, олдинда) Петр Болотников, Мария Иткина, (орқада) Василий Кузнецов ва Янис Лусис (ўнгда) 200 метрга югуришда спортчилар тўсиқлардан ошиб ўтмоқда. А. Абалон фотолари.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА БУИИЧА СССР КОМАНДА БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

ИККИ РЕКОРД

Илгари хабар берилганидек, ўтган шанба кунини марказий «Пахтакор» стадиони «спорт маликаси» иштирокида бўлиб бўлган мусобақа таънабли равишда очилган. Программа бўйича курашлар бошланиб кетди. 200 метрга тўсиқли югуришда 57 киши иштирок этди. Улардан фақат 6 спортчи финалда катнашиш ҳуқуқини олди. Булар В. Анисимов (Украина — Қўроллик кучлари), Б. Кривоноз (кишлук спортчилари терма командаси), А. Михайлов («Товуз» — Ленинград), А. Клейн (Қўроллик кучлари — Ленинград), В. Чистяков («Спартак» — Москва), М. Худоль (Қўроллик кучлари — Москва) эди. 14 октябрда кечқурун бу мусобақанинг финали бўлди. Финалчилар СССР чемпионини олтин медалини олиш учун курашди. Бу курашда В. Анисимов 23 секунд натижа кўрсатиб, голиб чиқди ва мамлакат чемпионини номини ҳамда олтин медалини қўлга киритди. Бу унинг иккинчи олтин медалидир. В. Анисимов 400 метрга тўсиқли югуришда ҳам шу йил мамлакат чемпионини номини олган Голибдан иккинчи секунд кейинда қолган А. Михайлов иккинчи ўринни ва кумуш медалини олди. Бронза медални иккинчи бўлиб келган Борис Кричновга тегиш.

Мусобақанинг биринчи кунини ташоабинлар енгил атлетиканинг энг оғир турларидан бири — 20 километрга юриш мусобақасини қилиб қўзғатди. Стартга 111 спортчи чиқди. Улар стадион атрофи, Социализм, Навоий проспекти, Анхор, Ўзбекистон кўчалари бўйлаб тўрт марта айланиб, финал натижаси бўлиб келди. Бу узоқ масофанинг бошланган охиригача пешнадам бўлиб келган Григорий Паничнин («Локомотив» — Тошкент темир йўли) биринчилигини олди. Унинг натижаси 1 соат 32 минут 24.6 секунд. Хотин-қизлар ўртасида найза отиш мусобақасида жаҳон рекордчиси, хизмат кўрсатган спорт мастери Сильвия Озолина («Буревестник» — Ленинград) та тенг рақиб топилмади. Э

Озолина найзани 53 метр 30 сантиметрга отди. Ҳоқлар ўртасида дисч отиш голиби талантили спортчи В. Трусевцев бўлди (57 метр 46 сантиметр). Ўн километрга югуришда Фрунзе шаҳридан келган Леонид Иванов голиб чиқди. Яқинда Францияда бўлган мусобақада «Юмани» газетасининг мукофотини олишга сазовор бўлган бу спортчи сазовор биринчилигида ҳам биринчи мукофотни қўлга киритди. У 29 минут 22.4 секунд натижа кўрсатиб спорт ташкилотлари ва жамоалари Тошкент шаҳар Советининг мукофоти билан тақдирланди.

Ҳоқлар ўртасида 400 метрга финал югуришда мамлакат чемпионини Валдим Архимчук (Украина — Қўроллик кучлари)нинг олдинга тушгани рақиб топилмади. У 47.5 секунд натижа билан голиб чиқди. Яқинда бу кунини ташоабинлар қизчаларини спорт курашларининг гувоҳи бўлиди. Программа бўйича биринчи бўлиб хотин-қизлар ўртасида 80 метрга тўсиқли югуришнинг финал мусобақаси ўтказилди. Бунда Ленинградлик динамочи Н. Кувалова финиш лентасини биринчи бўлиб кесиб ўтди. У 10.8 секунд натижа кўрсатди.

78 эркак спортчи найза отишда, ҳаммадан ҳам 1962 йили СССР ва Европа чемпионини Янис Лусис найза отганда стадион ҳаяжонга келди. Ригалик бу ёш спортчи отган найза СССР рекорди белгиси — қизил байроқчадан ўтиб, жаҳон рекорди белгиси турган нуқтага

жуфта яқин жойга бориб тушди. Судьялар унинг натижасини диққат билан ўлчади: 86.04 метр! Бу — Совет Иттифоқининг янги рекорди. Янис Лусис найзани Белграддаги Европа чемпионатидагидан роса тўрт метр узоққа отибди. Я. Лусисга «Еш Ленинчи» газетасининг мукофоти топирилди.

Ўнбеш минут вақт ҳам ўтмасдан, ташоабинлар яна бир янги мамлакат рекордининг гувоҳи бўлиди. Бу сафар рекорд югуриш йўлисида қўйилди. Мусобақанинг биринчи кунини спортчи Л. Баргенов ва Э. Озолин ярим финалда СССР рекордини такрорлаган эдилар. Бугун эса СССР чемпиони Эдвин Озолин шарафига қарсақлар янгради. У бундан ўнбир йил аввал совет спортчиси Владимир Сухарев қўйган рекордини ўндан бир секундга яхшилашга муваффақ бўлди. Бундан бўён 100 метрга югуришда Совет Иттифоқи рекорди 10.3 секунд эмас, балки 10.2 секунд бўлиб қолди. Бу рекорд «Пахтакор» стадионида ўрнатилган билан фахрланасак арайдим. Голиб «Ташкентская правда» газетасининг мукофотини қўлга кирди.

Хотин-қизлар ўртасида шу масофада бўлган мусобақада Л. Мотина («Буревестник» — Ленинград) 11.8 секунд натижа кўрсатиб, биринчилигини олди. Унинг ҳамшайари Г. Попова эса 100 метрни 11.9 секундга босиб ўтиб, иккинчи бўлди. Кеча мусобақалар давом этди.

М. СОАТОВ.

ВИЗДОН БИЛАН, ҲАЛОЛ ИШЛАЙЛИК

Украиналик колхозчи аёл Надежда Григорьевна Загладиннинг виждон билан ишлаш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, ҳалоллик ҳақидаги сўзлари ҳар бир совет кишининг қалбидан чуқур жой олган. Ҳамманинг дилидаги гапларни билдириб ёзган «Ҳалолкорлик шарафини қадрланг» мақоласи қиллоқ меҳнатчиларининггина эмас, балки барча соҳа кишиларининг эътиборини ўзига тортиди.

Яқинда «Ташкентский вестник» ходимлари ҳам умумий йилгилишда бу мақолани муҳнома қилиди. Шу масала юзасидан торг партия ташкилотининг секретари ўртоқ Т. Юсупов қилган докладыда савдо ходимлари ишидаги ютуқ ва камчиликлар рўй-рост очиб ташланди.

Торг бўйича тўққиз ойлик план ошириб бажарилди ва пландан таъқир дадалатга 1 миллион 120 минг сўм топирилди. Шаҳарда ташкил қилинган комсомол магазинлари харидорларга намунали хизмат қилиш, ойлик топириқларни ошириб бажаришда катта муваффақиятларга эришмоқда. Қўлгана савдо тоқчалари Улуғ Октябрьнинг 45 йиллигини муносиб қилиб олиш учун янги мажбурий ятлар олдидлар. Чунки, торгнинг машғуллари ҳисобланган 9 ва 56-магазин ходимлари йиллик товароборот планини 7 ноябргача бажаришга аҳд қилдилар.

Докладыда харидорлар ҳурматига сазовор бўлаётган илгор савдо ходимлари ва уларнинг иш таъриблари ҳақида айтиб ўтилди.

Лекин очиб эътироф қилиш керакики, — дейди ўртоқ Т. Юсупов, — торгмишда ор-номус, шахсий масъулият ҳиссини йўқотганлар ҳам учрайди. Улар техникўрлик, ўз шахсий манфаати ҳақида ўйлайдилар. Харидорлар ҳақида

ТЕЛЕВИЗОР

16 октябрда БИРИНЧИ ПРОГРАММА Рус тилида: 17.30 — Енгил атлетика бўйича СССР биринчилиги учун мусобақа («Пахтакор» стадионидан). 18.30 — Номларини эсда тут (мактаб ўқувчилари учун). 19.05 — Телевизион янглинлар. 19.25 — Янги кўшиқлар билан таъиниш. 19.35 — Жанговар иш кунлари (Миллият кунини муносабат қилиш). 19.50 — Абу Али ибн Сино номли балий фильм. Ўзбек тилида: 21.20 — Ҳажвий лавҳалар. 21.40 — Телевизион янглинлар. 22.00 — Опера театрининг ёш артистлари.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА Рус тилида: 18.30 — Тошкент янглинлари. 18.45 — Концерт (Омск халқ хори кирсида). 19.15 — Пишк, чирроли товарларни кўлаб ишлаб чиқарилиш. 19.40 — Андрей Сторожев бахти (телевизион фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТР-ДА — 16/Х да Ринголетто, 17/Х да Ҳамза. ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/Х да Тобутдан товуш, 17/Х да Гамлет. МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР-ДА — 17/Х да Икки билгузук.

КИНО

Қора чайка — «БАТАН», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун). Жаҳоннинг ҳамма олтини — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун). Гулливернинг саёхатлари — «МИР» (кундуз ва кечқурун). «ЎЗБЕКИСТОН» (ёғалаб соат 10 да).

Етти ака-укага етти келин — «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). Силдадаги севги — «СПУТНИК» (кеч соат 7 да).

ЕЗГИ БИНОДА (7 ярим ва 9 яримда бошланади) Жаҳоннинг ҳамма олтини — КАФАНОВ номли. Гулливернинг саёхатлари — «УДАРНИК».

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР БИНОСИДА 16 октябрда

КОНЦЕРТ

Ўзбекистон ССР халқ артисти Шаҳода Раҳимова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Қундуз Мирқаримова, Жаҳон ёшлар фестивали лауреатлари Клара Жалплова, Тамара Юнусова, солистлар Таваккал Қодиров, Жалолхон Охунов, Алижон Ҳасанов, Рамаз Ҳакимова, Қувондиқ Искандаров ва Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли қатнашади. Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар соғилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА 16, 17 октябрда

ЭСТРАДА КОНЦЕРТЛАРИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Эргашхон Мирмахмудова, Убайдулла Маарахматов, Муҳаммаджон Мирзаев, эстрада солистларидан Фахриддин Умаров, Зокир Султонов, Муҳаббат Мусаева, Дилбар Абдуллаева, Чўлпон Тоҳирова, Собир Маҳмамов ва Ўзбек музика асбоблари ансамбли қатнашади. Концерт кеч соат 8 да бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

Гетт Эмларда Нинка ган

БМТда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг мабуот конференцияси

НЬО-ПОРК 13 октябр (ТАСС). БМТ Бош Ассамблеяси XVII сессиясидаги Совет Иттифоқи делегациясининг бошлиғи СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико бугун мабуот конференцияси ўтказди. У баёнот бериб, Совет Иттифоқининг ташқи сийосатининг энг муҳим масалалар юзасидан асосий қондалари устида тўхталиб ўтди.

Бизга, деди А. А. Громико, биз Бош Ассамблея ишининг ўтган даврига қандай баҳо берамиз ва мунозараларнинг асосий йўналишлари ҳақида нима дейиш мумкин, деб савол бермоқдалар. Даставвал, совет делегацияси айрим давлатларнинг фикр олишувларини идеология масалалари юзасидан мунозаралар йўлига тушириб юборишга ўринаётганлигини айтмасдан ўтиш мумкин эмас. Совет ҳукумати шунга ишондикики, бу халқаро форумда идеологик келишмовчиликлар муҳокама қилиш маслиҳати керак. Умумий мунозаранинг бошланиши кўрсатадики, БМТ аъзолари бўлган мамлакатларнинг кўпчилиги ҳам худди шундай нуқтани назарда тутиди.

СССР ташқи ишлар министри «Итдики, Совет ҳукумати Бош Ассамблеяга ўз таъкидларини тақдим этар экан, даставвал шунга асосланмоқдаки, дунёда ҳар кун ва ҳар соат урушга тайёргарлик кучаймоқда ва БМТнинг бурчи уруш йўлига ўтиб бўлмай

диган гов солишдан иборатдир. Бироқ, Совет ҳукумати янги жаҳон урушининг фатал равишда муқаррар эмаслигига асосланади. Биз, деди А. А. Громико, гўё «итдики йўли низолар чангалзор орқали ўтди» деган гапга қўйиб, ваҳоланки бундай гапларни биз Америка делегацияси бошлиғидан эшитдик. Ҳар қандай чангалзорлар шу жумладан агрессия кучлар дунёга мажбуран қабул қилдиришга бўлган низолар чангалзорини ҳам одамларга қараганда кўпроқ йиртқиқларга муносивдир. Халқлар бундай йўлдан боришни истамайдилар.

Совет ҳукумати БМТда ўз ташқи сийосатини баён қилар экан, деб давом этди А. А. Громико, шунга амал қилдикки, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг мустақил негизин тинч-товуш ялпаш принципларида, яъни низоли масалаларни ҳал этиш воситаси сифатида урушдан воз кечиш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, ҳамкорлик ва тинч мусобақа, низоли халқаро масалалар юзасидан қарорларни ядро бомбалари ва ракеталарни ёрдами билан мажбур қилдиришдан стол атрофида ҳал этиш принципларидан иборат бўлиши керак. Биз қатъий равишда шунинг тарафдоримизки, ҳар бир иктымол сийосат боника темага нисбатан ўз аъзаллигини модалий неъматлар ишлаб чиқариш ва маданий бойликларни яратиш соҳасида, кишилар ахтиёқини янг

қўл даражада қондириш соҳасида мусобақалашиб исбот этсин.

СССР ташқи ишлар министри «соуқ уруш» тарафдорларини ҳамда империалистик давлатларнинг ҳарбий блоклари томонидан мажбуран қабул қилдирилган зўр бериб қуролланишни қоралади. Гарбининг баъзи арбоблари, деди у, коммунизм голярига қарши, марксизм-ленинизмга қарши кучлар қачқириб, халқаро кескинликнинг сабаби гўё коммунизм ва бизнинг назарларимиздир, деб ишботлашга уринмоқдалар. Бу кишиларга нима ҳам дейиш мумкин? Биз, даставвал, бундан иккинчи йил илгари Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрущев Бош Ассамблея минбаридан туриб айтган баёнотини эслатиб ўтмоқчимиз. Бу баёнотда Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сийосати асослаб берилган эди. Ушай пайда оптимизм сўзлари халқлар ўртасидаги дўстлик ва тинчликдан иборат олижаноб идеялар, давлатлар бир-бирларига қарши пиноқ чархашларига эмас, балки улар ўз ихтилофларининг тинч йўл билан ҳал этилишини қидириб топишларига қачқириб иделар бутун дунёга янграган эди.

СССР ташқи ишлар министри мустақил мамлакатлари ва мамлакатларнинг мамлакатлар халқларининг миллий мустақиллиги учун курашишга оид масалалар устида тўхталиб ўтди. Хусусан у, Куба халқининг уни капитализм қучоғига қайтариш йўлидаги империалистларнинг уринишларига қарши курашиш устида тўхталиб ўтди. Куба революцияси, деди А. А. Громико, кичик бир халқ ўз жонон ишини ҳимоя қилиб, озолик ва мустақилликка интилиш, нақадар катта ғайрат қўйиб, коммунистларнинг намунаси.

А. А. Громико айтдики, Куба эмас, балки Қўшма Штатлар ана шу давлатлар ўртасида вужудга келган ҳамма низоли масалаларнинг йўл билан, икки томонлама мунозаралар йўли билан ҳал этишни истамайди. АҚШ, хатто, Кубага таҳдид қилмоқда.

Қўшма Штатлар томонидан Кубага қилинаётган таҳдидларга келганда, деб давом этди А. А. Громико, бу таҳдидларга Совет ҳукуматининг шу йил 11 сентябрдаги маълум баёнотида ва унинг шу йил 21 сентябрда Бош Ассамблея,

да эълон қилган баёнотида жавоб берилган.

Сўнгра, СССР ташқи ишлар министри таъкидладики, СССР Бош Ассамблеяга халқаро муносабатларнинг энг муҳим ҳамма масалалари юзасидан аниқ программа билан келган экан, Америка Қўшма Штатларида бундай программа йўқ. «Халқаро атмосфера» ни заҳарлашни истганларида ҳар гал ўртага ташланадиган Венгрия масаласи, — деди у, — БМТ Бош Ассамблеясининг ушбу сессиясида АҚШнинг визит картонасидир.

А. А. Громико Америка Қўшма Штатларида ва НАТО мамлакатларида ўтказилаётган ҳарбий васеа кампаниясини қоралади. Бош Ассамблея НАТО ҳарбий блокидаги етакчи давлатлар томонидан ўтказилаётган сийосат туфайли вазилининг кескинлашганлигини тушуниш даражасида кўтарила олмас, деб таъкидлади у, хато иш бўлган бўлур эди.

СССР ташқи ишлар министри ўз сўзининг охирида Совет Иттифоқи ташқи сийосатининг мақсадлари равшан эканлигини айтди. Халқаро ҳаётнинг ҳамма асосий масалалари юзасидан бу мақсадлар Совет ҳукуматининг тегишли баёнотларида, шу жумладан Бош Ассамблеядаги баёнотда ифодалаб берилди. Бу гап Куба масаласига айланди. Бу гап Германия сулҳ шартномасини тузишга тааллуқлидир. Бу гап, шунингдек, куросизланиш ва куросизланишнинг иқтисодий программасига, ядро қурли сийосатини тўхтатиш тўғрисидаги масалага, превентив ядро уруши пропагандасини қоралашга, мустақиллашнинг туғатиш проблемасига, Хитой Халқ Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қўйишга, Америка кўпчилигини Корейдаги олиб чиқиб кетишга, савдо бўйича конференция қачқиришга, БМТ структурасини ўзгартириш ҳақидаги масалага тааллуқлидир.

Бизнинг сийосатини, деди А. А. Громико, тинчлик, тинч-товуш ялпаш ва агрессия кучларини қиллолаб қўйиш сийосатидир.

Редактор М. ҚОРИЕВ.



«ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ» ГА 1963 йил учун

ОБУНА бўлдингизми?

Обуна баҳоси: бир ой учун — 44 тийин, уч ой учун — 1 сўм 32 тийин, 6 ой учун — 2 сўм 64 тийин, 12 ой учун — 5 сўм 28 тийин.

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, алоқа бўлимлари ва контрларарида, шунингдек қорхона ҳамда муассасалардаги жамоатчи вакиллар, шаҳар ва қишлоқ почтабонлари томонидан қабул қилинади.

«ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ»

(«Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропганда ва совет курилиш бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Алабид ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари — 33786. Секретариат — 34808. Хатлар бўлими — 34048. Илгор таърибларни пропаганда қилиш шпатеиз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашриятнинг босмаханаси. Нашр. Г. 1702.

ОБ-ХАВО

Бугун Тошкент шаҳри ва Тошкент областида булут нам бўлади. Ёнгинлар, қилик бўлмайди. Эрталаб Тошкентда 6—8, областда 6—10, кундузи Тошкентда 20—22 областда эса 20—23 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ОБ-ХАВО БЮРОСИ.

«ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ»

4-БЕТ, 16 ОКТЯБРЬ, 1962 ИЛ.